



O'zbekiston Respublikasi Sirdaryo viloyati Hokimi

Q A R O R

2016 йил 11 март

96-сон

Гулистон шаҳри

Сирдарё вилоятидаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида

Мазкур қарор Сирдарё вилояти ҳокимининг 2017 йил 13 мартдаги 138-сонли “Сирдарё вилоятидаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан 2017 йил 13 июндан ўз кучини йўқотган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги “Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1326-сон қарорининг 4-банди ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 14 январда 2751-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитасининг 2016 йил 8 январдаги “Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги 1 ва 2016-1-сонли қарорларига ҳамда Давлат солиқ кўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси вилоят бўлими, “Сирдарёбозорсавдо” уюшмаси ҳамда туманлар ва шаҳарлар бозорлари маъмуриятларининг таклифига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 6, 14-моддаси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддасига мувофиқ **қарор қиламан:**

1. Сирдарё вилоятидаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин ва мазкур қарор қонуний кучга кирган кундан бошлаб жорий этилсин.

2. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Б.Умарханов), Давлат солиқ кўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош

бошқармасининг вилоят бўлими (Д.Темиров), “Сирдарёбозорсавдо” уюшмаси (О.Мусаев), бозорлар ва савдо комплекслари раҳбарлари:

ушбу қарор бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги махсус жойларга осиб қўйилишини;

олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати минимал миқдорларининг ўз вақтида, тўлиқ ундирилиши, банк муассасаларига топширилиши ва тегишли қисми маҳаллий бюджетга ўз вақтида ўтказилишини таъминласин.

3. Вилоят ҳокимининг 2015 йил 19 февралдаги 61-сонли қарори мазкур қарор қонуний кучга кирган кундан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Бўронов зиммасига юклатилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вилоят ҳокими

О. Ашурматов

Киритилди:

Вилоят молия бошқармаси бошлиғи

А.Каримов

ДСҚ Бозорлар ва савдо комплекслари
фаолиятини назорат қилиш бошқармаси
вилоят бўлими бошлиғи

Д.Темиров

Келишилди:

Вилоят ҳокимининг ўринбосари

Б. Бўронов

Вилоят Давлат солиқ бошқармаси
бошлиғи

Б.Умарханов

“Сирдарёбозорсавдо” уюшмаси
Бошқарув раиси

О. Мусаев

Сирдарё вилоят хусусийлаштириш,
монополиядан чиқариш ва рақобатни
ривожлантириш бошқармаси
бошлиғи в.в.б

Ш.Халбаев

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат
палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси
бошлиғи в.в.б

Д. Якубов

Вилоят ҳокимлиги ҳуқуқшуноси

Ю.Абдукаримов